

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит маблағларини жалб қилган ҳолда “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган суб-лоиҳалар тўғрисида маълумот

“220/35 кВ “Печная” нимстанциясида реактив қувватни компенсация қилувчи қурилмани ўрнатиш”

Лойиҳанинг умумий қиймати – 3,5 млн. долл.

Лойиҳанинг мақсади: Реактив энергия йўқотилишини камайтириш орқали электр энергияси сарфини камайтириш.

Қувват коэффициентининг пастлиги трансформаторлар ўрамларида, тармоқларнинг кабеллари ва симларида электр энергиясининг юкламали йўқотишларига олиб келади.

Реактив қувватни компенсация қилувчи қурилманинг ишга туширилиши тармоқдаги кучланишни барқарор бўлишини таъминлайди, реактив қувват оқимини бошқариш ва қувват коэффициентини доимий равишда 1 га яқин ҳолатда туриши имконини беради. Бундан ташқари зарарли бўлган 5 чи, 7 чи, 11 чи ва 13 чи гармоникаларни вужудга келмаслигига ёрдам беради ва бу ишлаб чиқариш хажми оширилганда юқори қувват талаб қилинганда ҳосил бўладиган юқори гармоникалар пайдо бўлиши туфайли изоляция қисмлар ва асосий ускуналарнинг (қисқа тармоқ кабеллари, юқори вольтли кабеллар, трансформатор ва бошқалар) ишдан чиқишини олдини олади.

№	Электр энергия	Ишга туширилгунча йиллик сарф	Ишга туширилгандан сўнг йиллик сарф	Йиллик электроэнергия иқтисоди
1	Актив энергия	460 216 948 кВт.соат	443 168 206 кВт.соат	17 048 742 кВт.соат ёки 3,7%
2	Реактив энергия	357 326 671 кВар.соат	145 101 568 кВар.соат	212 225 103 кВар.соат ёки 59,4%

Лойиҳани амалга оширишда хорижий ҳамкор сифатида Россиянинг “РУ-Инжиниинг” ИИТ МЧЖ танлаб олинган.

Йилига 17 048,7 МВт/соат актив энергия ва 212 225,1 МВт/соат реактив энергия тежалиши туфайли Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан ускуналар нархининг 75%, қолган 25% миқдорида маблағларни “Ҳамкорбанк”АТБ маблағлари жалб қилинмоқда.

Хозирги кунда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

“Комбинатнинг маънан эскирган ва жисмонан емирилган насос станцияларини янгилаш”

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилиғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4779-сон қарорига, ҳамда Энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича Республика комиссиясининг 2020 йил 9 ноябрдаги 59-сонли йиғилиш баённомасига асосан амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати – 2,15 млн. долл.

Лойиҳасининг мақсади:

- электр энергия сарфини камайтириш;
- ускунани фавқулодда ўчириш хавфини камайтириш.

Лойиҳа доирасида қўйидаги 3 та суб-лоиҳалар амалга оширилмоқда:

- “1-МНС 1 чи ва 2 чи насос гурухларини модернизации қилиш”;
- “Темир куйиндиси мавжуд бўлган оқаваларни ТКО-2 модернизация қилиш”;
- “Энергетика цехининг “Водозабор” участкасидаги Эскирган насосларни ва электр двигателларини янги энергия тежамкор двигател ва клапанлари билан алмаштириш”.

Лойиҳани амалга оширишда хорижий ҳамкорлар сифатида Россиянинг “РУ-Инжиниинг” ИИТ МЧЖ ҳамда маҳулий “Wilo Nasos Tizimlari” XК МЖЧ танлаб олинган.

Йилига 3 033,3 МВт/соат актив энергия тежалиши туфайли Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан ускуналар нархининг 75%, қолган 25% миқдорида маблағларни “Ҳамкорбанк”АТБ маблағлари жалб қилинмоқда.

Хозирги кунда лойиҳани молиялаштириш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Ўзметкомбинат” АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот

“Қуёш фотоэлектр станциясини қуриш” лойиҳаси.

“Қуёш фотоэлектр станциясини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш натижасида биринчи босқичда - қуввати **50 МВт** бўлган фото электр станциясини ишга тушириш эвазига йилига **100 млн кВт*соат** электр энергиясини олинишига ва **15 та янги иш ўринларини** яратилишига эришилади. Лойиҳани амалга ошириш **2024 йилнинг II чоракга** режалаштирилган. Иккинчи босқичда комбинатнинг умумий электр энергия истеъмолини таминлаб бериш имкониятига эга булган **150 МВт қувватга** эга фото электр станциясини ишга тушириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22-декабрдаги Олмалиқ шаҳрига ташрифи **56-сон** баённомасида йирик корхоналарга **40-200 МВт** қувватга эга қайта тикланувчи энергия манбаълари асосида электр станциялар қуриш бўйича топшириқ берилган.

Ушбу топшириқ асосида “UNIGREEN SOLAR” МЧЖ ХК (“Unigreen Energy” ДК шўба корхонаси) компаниясидан таклиф олинди. Компания электр энергиясини базавий нархидан **10%** арzonроқ таклиф қилмоқда.

“UNIGREEN SOLAR” МЧЖ ХК таклифи **1 кВт*соат** электр энергия учун **425,38 сўм ёки 47,37 сўмга** арzon таклиф этмоқда.

“Энергия хизмати шартномаси” бўйича электр энергиясини сотиб олишнинг афзаллиги:

- тўғридан-тўғри инвестициялар (“Ўзметкомбинат” АЖ ўз маблағларини сарфламаган ҳолда);

- қуёш станциясини 12-17 йил ишлагандан сўнг комбинатга беғараз ўтказиш (инсоляция даражасига, ҚФС ҳажмига ва бошқаларга боғлиқ.). ҚФСнинг хизмат муддати **30** йил.

2022 йил 27-апрелдаги 01/06-01/04-181-сонли хат билан Сирдарё вилояти ҳокимлигига комбинатга нисбатан яқин жойлашган туманлар худудида қуёш фотоэлектр станцияси қуриш учун яроқли бўлган, аммо суғориш ва экин экишга мўлжалланмаган майдони **250 Га** га teng потенциал худудларни аниқлаш бўйича сўров юборилди. Ушбу сўровга асосан Сирдарё вилояти ҳокимияти 2022 йил 23 июндаги 04/4-3316-сонли хати билан Ховос тумани Туркистон массиви худудидаги 1917q, 1939q – контурлардан жами 239,98 Га, шундан 1,4 Га йўллар, 0,2 Га қурилиш ости ерлари, 239,2 Га қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган бошқа ерларга қуёш фотоэлектр станцияси қуриш мақсадга мувофиқлигини маълум қилди.

Бундан ташқари Энергетика вазирлигига ваколатли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ тузиш тўғрисида 2022 йил 31-майдаги 01-1/1327-сонли хат юборилди.

“Ўзметкомбинат” АЖнинг темир йўл инфратузилмасини қайта таъмирлаш” лойихаси.

“Ўзметкомбинат” АЖ “Темир йўл цехи” 1943 йилда ишга туширилган бўлиб, хозирги кунда ушбу цехда **312** нафар ишчи-ходимлар фаолият олиб бормоқда. Ушбу цех комбинатга қарашли **69,8 км** темир йўллар орқали хомашъё ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

Комбинатда амалга оширилаётган “Куюв-прокат мажмуасини қуриш” лойихаси хамда темир йўл инфратузилмасини қайта таъмирлаш мақсадида қуйидаги ишлар қилиниши кўзда тутлган:

1. Локомотив паркини янгилаш

Комбинат хузуридаги локомотивлар кўп йиллар мобайнида фойдаланиб келаётганлиги хамда уларнинг ҳолати жисмонан ва маънан эскирганлиги сабабли, 2022 йилда 2 дона янги ёқилғи тежамкор, кўп қувватли ва харакатланиш тезлиги соатига 40 кмдан юқори бўлган локомотив харид қилиш кўзда тутилган.

Лойихани амалга оширишдан мақсад:

- Юк ташиш қобилиятини **10,1** млн. тоннадан **20,4** млн. тоннагача ошириш;
- Ҳаракатланувчи тизимдаги вагонлар сонини **30** тадан **50** тагача ошириш;
- **15% гача** ёқилғини сарфлаш микдорини камайтириб **1,8** млрд сўм микдорида техник хизмат кўрсатиш учун харожатларни қисқартириш.

2. “Ширин-Заводская” янги йук ташиш йулини қуриш”

Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад “Ширин” станциясидан “Сир-Дарё” дарёсигача узунлиги **6,5 км** янги темир йўл қурилиши, “Дальварзин” каналидан “Прокатная” станциясигача узунлиги **2,2** км йўл қурилиши комбинатниг йук ташиш фаолиятини ошириш хамда чет эл давлатлардан келадиган импорт маҳсулотларни комбинат ҳудудига тез ва кулагай етиб келишини таъминлаш.

Лойихани амалга оширишдан кутилаётган натижа

- Юк ўтказиш қобилиятини йилига **10,2** млн.тоннагача ошириш;
- Таркибда вагонлар миклорини **50** донагача ошириш;
- Поезднинг оғирлигини **1 500** тоннагача ошириш хамда темир йўл кесишимасининг микдорини **3** донагача қисқартириш.

3. “Куюв-прокат мажмуаси учун янги темир йуллари қурилиши”

Куюв-прокатлаш мажмуаси учун жами 5910 метр бўлган янги темир йўл қурилиши режалаштирилган. Ушбу йўлнинг қурилишидан мақсад мажмуани олд тарафдан хомашъё ва металл парчалари туширилиши хамда ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш. Лойихани амалга ошириш 2022-2023 йилларга режалаштирилган.

“Ўзметкомбинат” АЖнинг золдир прокатлаш цехида амалга оширилаётган лойихалар бўйича маълумот

Вазирлар махкамасининг 2020 йил 5 октябрьдаги №55 сонли баёни “Металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича устувор йўналишлар тўғрисида” ҳамда 2021 йил 19 февральдаги №31 сонли баёни “Ўзметкомбинат” АЖ иш фаолиятининг самарадорлигини ва ишлаб чиқариш кувватларини ошириш, узлуксиз хомашё билан таъминлаш ҳамда маҳсулотнинг таннархини қисқартириш ҳисобига ички ва ташки бозорида уни рақобатдошлигини ошириш” ижросини таъминлаш мақсадида ва $\varnothing 40\div50$ мм бўлган пўлат золдирларга талаб ошиши муносабати билан “1 ва 2 сонли ЗПС линияларини реконструкция қилиш билан 3-сонли қиздирув печини қуриш” лойихаси амалга оширилмоқда. Лойихани амалга ошириш 2022-2023 йилларда кўзда тутилган.

Ҳозирги кунга кўра, **«1 ва 2 сонли ЗПС линияларини Навли прокат ишлаб чиқариш цехи “Б-В-Г” пролетининг 17÷30 ўқлар оралиғига кўчириб ўтказиш»** бўйича ишчи лойихаси ишлаб чиқилмоқда, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Лойиха қиймати – **1,5 млн. долл.**

“3-сонли қиздирув печини қуриш” бўйича 2022 йил август-сентябрь ойларида тендер савдоларини ўтказиш орқали ғолиб компания билан шартнома тузиш режалаштирилган. Лойиха қиймати – **3,0 млн. долл.**

Ҳамда **“Янги 4-ЗПС қуриш”** кўзга тутилган бўлиб лойихасини амалга ошириш муддати 2024-2025 йилларга мўлжалланган. Ушбу лойихани амалга оширишдан мақсад йилига **256,0 минг тонна** **$\varnothing65\div120$ мм** пўлат золдирларини ишлаб чиқариш.

Юқоридаги лойихаларни амалга ошириш натижаларига кўра 2023 йилга келиб комбинат томонидан $\varnothing 40\div50$ мм пўлат золдирларни **йилига 250,0 минг тонна** ишлаб чиқаришга эришилади ва 2025 йилга келиб **250,0 минг тонна** **$\varnothing65\div120$ мм** пўлат золдирларини ишлаб чиқарилади, ҳамда пўлат золдирлар ишлаб чиқариш хажми **500,0 минг тоннани** ташкил этади.

“Куюв прокатлаш мажмуаси қуриш” лойиҳасини тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–72-сон қарорига асосан “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан “Куюв-прокатлаш мажмуасини қуриш” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида технологик ускуналарни етказиб бериш учун “Danieli” (Италия) компаниялар гуруҳи билан жами қиймати **322 млн евроблик** ва қурилиш ишлари учун “Reneissance Heave Industries” (Россия) компанияси билан **169,9 млн евроблик** шартномалар имзоланган. Ундан ташқари лойиҳа доирасида “Ўзметкомбинат” АЖ ўз кучи билан **100,0 млн евродан** ортиқ иш ҳажмини бажариши кутилмоқда.

Ушбу лойиҳани молилаштириш мақсадида АКИБ “Ипотека банк” ва “Миллий банк” консорциуми томонидан **100,0 млн долл.** миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққёт жамғармаси томонидан лойиҳа доирасида маблағлар комбинат устав капиталига йўналтирилган ҳолда **140,0 млн евро** миқдорида маблағлар қабул қилинди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққёт жамғармаси билан **110,0 млн евро** миқдорида узоқ муддатли кредит ажратиш тўрисида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу кредит маблағалар 2023 йилда танлови амалга оширилиши кутилмоқда.

2022 йил февраль ойида “Куюв прокатлаш мажмуасини қуриш” лойиҳаси доирасида “Credit Suisse AG” (Швейцария) билан экспорт кредит агентликлар сугурта қопламалари асосида **220,0 млн евро** миқдорида молиялаштириш бўйича Мандат шартномаси имзоланди. Ушбу маблағларнинг жалб қилиниши жорий йилнинг сентябрь ойида кутилмоқда.

Лойиҳани амалга оширилгандан сўнг қуйдаги ютуқларга эришилади:

- Иншоот қурилиши даврида аҳоли учун иш ўринларини ташкил этилади;
- Лойиҳа доирасида янги 1 253 янги иш ўринлари яратилади;
- Комплекс ишга туширилгандан сўнг вилоятда иш ҳаки даражаси ўртacha кўрсаткичдан юқори бўлган янги юқори самарали иш ўринлари яратилади;
- Бекобод шахри ва унинг атрофидаги ҳудудларда муҳандислик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда аҳоли учун имкониятларнинг ўсиши;
- Мураккаб ишлаб чиқаришда малака, иш тажрибасини ошириш ва қўшимча таълим олиш;
- Атроф-муҳитга минимал даражада салбий таъсир кўрсатувчи технологияларни қўллаш.